



Сўнгги Бухоро амири Саййид Олимхон (1881—1944 йиллар) каламига мансуб хотиралар тўлик холича ўз ватанида илк бор нашр этилмоқда. Унинг толиби илм бўлган чоғларидан, амирлик чоғи, большевикларнинг Бухорони зўрлик билан босиб олиши ва ватандан узокда, мухожирлик йилларга қадар кечган умри суронли ва мураккаб тарихий давр кўзгусида яққол намоён бўлган. Ўлкамиз кечмишини ўрганишда тарихий шахслар ўзи ёзиб қолдирган, жуда қамчил ва ноёб бўлган бундай асарларнинг қиммати йиллар ўтгани сайин ошиб бориши табиий экан, мазкур асарни ўз ўтмишига бефарқ бўлмаган кенг ўқувчилар оммаси диққат-эътиборига ҳавола этамиз.

Форсийдан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи
Абдусодик ИРИСОВ

СЎЗБОШИ

1966 йил апрель ойининг охирларида Тошкентда машхур ва машъум зилзила юз берди. Бу воқеадан бир ҳафта ўтар-ўтмас мен Сурия Араб жумҳуриятининг бош кенти ҳисобланган Дамашкка ишга кетдим. Орадан бир ярим-икки ой ҳам ўтмаган эди, Дамашкдаги уйимга бир қорачадан келган, ўрта бўйли, ўзига ярашган мўйлаби ҳам бор бир киши ташриф буюрди. Кўринишидан у худди сувратини кўрганим Абдулла Кодирийга ўхшарди. Бу киши ўзбекчалаб менинг исми шарифимни сўради. Биз кўришдик, мен ўзимни таништирдим, ичкари кирдик.

- Мен Жўра қори бўламан, баъзан ёзувларда Сургун деган от ҳам кўшиб айтилади, таҳаллусим Бўтакўз. Мамлакатдан узокда — сургунда юргандайман, баъзида шундай аташ билан ўзимни овутиган, ўзимга тасалли берган бўламан. Шу йили апрель ойида Дўстлик жамиятининг даъвати билан мамлакатга боргандим. (Хориждаги ҳамшахарларимиз «Ўзбекистон» номи ўрнига кўпинча «мамлакат» ёки «ватан» сўзини ишлатадилар). Эсимни таниганимдан бери орзу қилганим — ватанни кўришга муяссар бўлиш эди, бир ҳафта ҳам ўтмасданок ўша мудҳиш зилзила юз берса бўладими, ёпирай, мени ажал қувиб келган экан, шу ерда ўлар эканман-да, деган ҳаёлга ҳам бордим. Йўқ,

худога шукр, кечмиш бўлди (яъни ўтиб кетди). Ўша ерда дўстларингиз бир нарсани сиздан хикоя қилишди, сўнг жанобингиз исми-шарифлари зикр қилинган чоғда суҳбатга чорлаш учун сизга кўнгирик қилишса, аллақачон бу томонларга равона бўлган экансиз. Шу билан мен мамлакатдан чиқиб Истанбулга келдим, у ердан бу томонларга ўтдим, кейин Урдунга (яъни Иорданияга) ўтаман.

- Буни бир мутолаа қилинг, сизга совга, — деб бир китоб берди. Китобга қарасам, Бухоро амири — Олимхон қаламига мансуб, меҳмонга миннатдорчилик билдирдим. Китоб форсийда ёзилган, Гарбда чоп этилган эди.

Мен китобни мутолаа қилиб, юртга қайтганда ўзбекчага ағдарарман, деган ҳаёлга келдим. Мана, орадан чамаси йигирма беш йилча вақт ўтди. Орзиқиб қутилган дамлар келди. Бу чоғлар ошқоралик деб ном олди. Бор ҳақиқат аста-секин қалқиб юзага чиқа бошлаётир. Шундай мулоҳазалар андишасида ниҳоят ўша китобнинг форсийдан қилган таржимасини ҳурматли ўқувчилар эътиборига ҳавола этаётирман. Муаллиф фикрини яхши ифода қилади — йўқми, бу мухтарам китобхонлар ҳукмига ҳавола. Мабодо баъзи ибораларда фикр яхши ифодаланмаган бўлса, ўтиб кетган қалқилик учун китобхондан олдиндан узр сўрайман. Мабодо улар ўз мулоҳазаларини менга ёзиб ё матбуот орқали билдиришса, мулоҳаза отига миниб мақсад сари отланишимиз турган гап. Рисолани таржима қилишда иложи борича муаллиф руҳи, услуби, ҳатто ўша даврда ишлатилган маъмурий бўлинишлар номи (чунончи, туман, беклик қабилар)ни сақлашга ҳаракат қилинди. Ўша даврда Бухоро давлати йигирма саккиз бекликка бўлинган. Чунончи, ҳозирги Нурота, Қоракўл, Қоржўй, Шаҳрисабз, Китоб, Гузор, Денов, Яққабоб қабилаларнинг ҳар бири бекликдан иборат бўлган. Беклик бизнинг ҳозирги истеъмомимизда районга тўғри келади, шу билан бирга «туман» гушунчаси ҳам бунга тўғри келгандай бўлаяпти. Чупончи, Гиждувон тумани, Вобкент тумани, Лаълака тумани. Китобда Нурота эса вилоят сифатида битилади.

Амир Олимхоннинг ёзишича, ўша даврда Бухоро давлатига қарашли ерлар 225000 квадрат километр бўлган, бу эса тахминан Италия майдони билан тенг деганидир. Унинг ёзишича, Бухоро аҳолиси асосан ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ, тожик, яҳудий ва араблардан иборат эди. Бундан кўринадиким, Бухоро давлати кўпмиллатли мамлакат бўлган, унда Ўрта Осиё халқларининг барча вакиллари яшаган. Олимхон бу ерларда яшовчи яҳудий ва арабларни китобига битишни ҳам унутмаган.

Амир Олимхон ёзади: «Бухоро хонлари бутунлай мангитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган. Бухоро подшоҳлари мўғил одатларига кўра тўшакча (у ок қизилдап тайёрланган — А. И.) устига табаррукона ўтказилиб, саййидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтарардилар». Туркий подшоҳларни ок қизилга солиб кўтариш қадим-қадимдан қолган анъана бўлган.

Бу гапда қелтирилган «мўғил» сўзи аслида туркий қабилалардан бирининг номи, у «монгол» эмас. «Мўғил» билан «монгол» томомила бошқа-бошқа халқ. Шу жиҳатдан Хиндистонда Бобур тузган империя баъзан янглиш ишлатилиб қелаётган «Монгол» эмас, балки «Мўғил империяси»дир. Бунга Саййид Олимхон битган сатрлар ҳам гувоҳлик беради. Олимхон ёзади: «Бухоро Марказий Осиё мамлакатларининг энг қадимгиларидан бири бўлиб, бунда навбатма-навбат шахзодалар салтанат қурганлар... Сўнги сомоний подшоҳларининг вафотидан сўнг (1005) Бухоро икки марта турк ва салжуклар сулоласининг қўлига ўтди. Ундан сўнг Чингизхон ва Темур, кейин шайбонийлар, аштархонийлар сулоласи, ўзбек — мангитлар Бухорода ҳукм сурдилар, Мангит тоифаси

1783 йилдан то 1920 йилгача Бухорода салтанат сурдилар».

Мана бу сўзлар тарихимизни тузукрок тушунишга, янада чукуррок билишга ёрдам беради.

Бухородан хорижга чиқариладиган махсулотлардан ташқари от ҳам экспорт қилинган. «Бухоро отлари, — дейди муаллиф, хусусан, қорабайир нави 1914 йилги урушда аҳамият қозониб, яхшилигини исботлайди. Бухоро амири қанчадан-қанча минг бош отни Русия давлатига берди».

Шу билан бирга амир эсдаликларидан ўша даврда Русия билан Бухоро ўртасида бўлган савдо микёси ҳақида ёзилади: «Большевиклар инқилобидан олдин Бухоро савдоси қатъат Русиянинг ўзи билан икки юз эллик миллион франкка етар эди. Лекин бахтга қарши юзларни элтиш воситаларининг йўқлиги савдо ишининг ривожланишига қатъат тўсқинлик қилди. Ваҳоланки, қанчадан-қанча темир йўл воситалари мамлакатнинг бошидан охиригача чўзилган эди».

Амир Олимхон ўз даврида бирмунча маданий қурилишлар қилади, мадраса, масжид, кўприк қурдилади. «Бухоро минорасининг паст томонида, — дейди муаллиф, — ўз номидан Дорул-улум бўлган бир мадраса қурдирдим; турли илмлардан дарс берувчи муаллимлар тайин этдим. Мазкур мадрасада истикомат қиладиган талабалар сарф-харажати, маош ва қийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир ҳам тайин этдим; уларнинг емак-ичмак, маош ва қийим-кечакларини муайян бир вақтда етказдираддим».

Амир қурдирган бу ўқув даргоҳи мисоли ҳозирги интернат мактаби ё техникумига тўғри қиладиган бир билимгоҳ деса ҳам бўлади. Бу эса ўша давр савиясидан туриб қаралса, албатта, жуда қатъат воқеа бўлган.

Қолган гапларни ўқувчининг ўзи эсдаликлардан ўқиб олиши мумкин.

Абдусодик ИРИСОВ.

РАҲМДИЛ ВА МЕҲРИБОН АЛЛОХ ИСМИ БИЛАН

Аллоҳга мактовлар, оламлар Рабби ва унинг элчиси Мухаммадга ва унинг оиласига ва барча дўстларига покликлар ва саломлар бўлсин.

Аммо баъд билим эгаларининг виждони ва хотир эгаларининг олдидан яширин қолмасинки, мен тағ-туғли Бухорои шариф халкининг фидойиси Саййид Амир Олимхон — Бухоро мулкининг ҳукмрони эдим.

Ўз аҳволим ва бошдан кечирганларимни ёшлиқ чоғимдан олиб борилган то Бухоро пойтахтида салтанат учун большевиклар билан олиб борилган жангларда бўлиб, ўзимнинг Қобул доруссалтанасига қўчишим воқеаларини тахрир ипига тизиб ушбуда баён қилдим, унга «Тарихи ҳузни милали Бухоро» («Бухоро халкининг хасрати тарихи») деб ном қўйдим, тоқим ўқувчилар ва унга қўзи тушган зотлар бу фақирнинг баён қилган ҳолларидан ва Бухоро салтанати пойтахти ва унга тааллуқли бўлган маълумотга эга

бўлсалар ва большевиклар билан бўлган мухораба ва Афғонистонга кўчишим сабабларини мутолаа қилиб, унга инсоф назари билан боксалар.

Энди тил нутқини баён этувчи тўти бўлмиш — каламни тилга киритиб, ахвол баёнини ушбу битикда тараннум этадиган бўлсам, шундайки, бу банда даргоҳи олий Саййид Амир Абдулахадхон ўгли Саййид Олимхон дор ул-фоҳира бўлмиш Бухорои шариф хукмдоридурман. Мен хазрати падари бузрукворим салтанати қарор топган даврда диёнат илми ва ўрганилиши лозим бўлган билимлардан тахсил қилганимдан кейин салтанат ва мамлакатни идора қилиш қонунларини эгаллаш мақсадида рус улугларининг саховатидан фойдаландим. Шунда ўн уч ёшлигимда милодий йилнинг минг саккиз юз тўксон учидан буюқ шаханшоҳ бўлмиш падари бузрукворим хазратлари амру фармонлари билан бир неча мўътабар намакхўр-якин дўстлар ҳамроҳлигида Петербургга боришга азм қилдим.

Тартиб-қоида юзасидан у ер мактабларида етти йил ўқитилар эди. Бинобарин, падари бузрукворим истагига кўра таълимотни тезлаштириш мақсадида ўқиш муддати уч йил деб қарор қилинди. Бу уч йил орасида ёзлари мактаблар ёпилган кезлари Бухорога, падарим хизматида келиб-кетиб турардим. Шундай қилиб, мен уч йил давомида таълим олиб, мамлакат тартиб қоидаларини биладиган даражада билим ҳосил қилдим, ўқишларни тугатиб, имтиҳон топширдим.

Рус давлати улуглари мени Бухоро давлати валиахдлигига мансуб бўлганлигим учун Бухорога қайтаришди. Шу билан мен милодий йилнинг 1896 йилида Петербургдан Бухорои шарифга, зоти шахона Падари бузрукворим хазратлари даргоҳларига қайтдим. Шундай қилиб, мен қиблагохим қўлларини ўпиб, доим у киши билан бирга бўлишга мушарраф бўлдим. Падари бузрукворим мени икки йил давомида ўз хизматларида ҳамриқоб қилиб ёнларида олиб юрдилар. Мен қўл остимда бўлган муқаддас ватаннинг ички ахволлари ҳақида баъзи бир таълимотларни у кишининг муборак тилларидан эшитиб тургандим; булардан мен кўп фойдалар кўрдим. Сўнг зоти шахона падари бузрукворим менга Бухорои шарифга қарашли бўлган ўлкалардан бири Насаф вилояти хукмронлигини марҳамат қилдилар.

Бу билан менга бахтиёрлик бахш этиб, шахона тўнларни қийдирдилар, хисравона хукмронлик тожини бошимга қўйдилар. Падари бузрукворим ижозатлари билан мазкур вилоятга азм айладим. Шунда мазкур вилоятнинг барча аъён ва хос кишилари менинг истикболимга чиқиб кутиб олдилар.

Шундай қилиб, мен улар билан хол-ахвол сўрашиб, улар илтифотидан бошим кўкка етди, уларга меҳру хурматимни билдириб Насаф вилояти кўргонининг ичига қириб бордим, барча қаттақон бўлган одамларни муборакбод этиб, уларни хурсанд ва мамнун эттирдим. Бу ожиз банданинг Насаф вилоятидаги хукмронлиги муддати ўн икки йил давом этди. Бу муддат ичида менинг ҳукуматим ҳамиша фақирпарвар ва ғарибнавозликка интиларди, мазлумларни золимлардан асраб, ҳақни қарор топдирарди. Шундай қилиб, мазкур вилоят аҳолисини ўзимдан хурсанду мамнун эттирдим.

Мазкур вилоятга яқин жойда Қашка деган шўх дарё оқарди. Ундан камбагал бева-бечораларнинг кечиби ўтишида роҳати бузилиб, доимо гам-ташвишда эдилар. Аҳолининг осойишталигини кўзлаб мазкур дарёга тошу темирдан бир кўприк қурдирдим, кўприкни эса ўз номим билан атадим. Шояд фақиру фуқаролар сув кечиш ташвишидан қутилиб, тинчу осуда яшасалар, деб ўйладим. Шу билан яна бошқа бир қанча мадраса ва ибодатхоналар қуриб, бу борада анчагина юмушларни юзага келтирдим.

Бундан сўнг, ҳукм юритганимдан ўн икки йил ўтгач, зоти шохона падари бузрукворим мени дор-ул-фохира Бухоройи шарифга карашли жойлардан бири бўлган Хўрок водийсининг Кармина номи билан машхур бўлган вилоят ҳукмронлигига кўчирди. Бу билан зоти шахона мени ўзларига якин бўлган жойга олиб келдилар. Насаф вилояти ҳукмронлигидан Кармина вилояти ҳукмронига айландим. Мана шу зикр этилган вилоятда икки йил давомида ҳукм юритдим. Шу аснода зоти шахона хазрат Саййид Амир Абдулахадхон — менинг Падари бузрукворим тақдири илохий амри билан фонийлик олаmidан бокийлик дунёсига рихлат этдилар. Шунда иктидор эгаси бўлмиш падари бузрукворим подишоҳ хазратларининг салтанати муддатига йигирма олти йил бўлган эди.

Шу билан мен 1329 хижрий йили мухаррам ойининг ўнинчи куни, милодийнинг 1911 йили менга мерос бўлиб қолган мархум ва мағфур падарим салтанати тахтига ўтирдим.

Бухоройи шарифнинг барча аҳолиси бу ожиз бандага хизмат қилмокка касамёд этдилар. Тахтга ўтирганимдан сўнг бу банда даргоҳи олийда мамлакатимнинг бир йиллик хирож тўлашдан озод қилиш фармойишини бердим. Шу тарика иш тутишим билан факир-фукарларни кўп хурсанд қилдим, уларнинг бошлари кўкка етди.

Орадан бир йил ўтгач, элтутиш ва факирпарварлик тартибини ўрнатишга интилдим, Бухоро давлатида тартиб-интизом ва ободлик ишларини бажо келтира бошладим. Буюк ишларни барпо этишга саъй-ҳаракат этдим, мадрасалар, ибодатхоналар бино қилишга киришдим. Барча илмларни ўргатиш борасида анчагина ҳаракат қилдим.

Бухоройи шариф аркининг яқинида, Балойи хавз дейилган жойда ўз номимга бир ибодатга масжид бино қилдирдим. Бухоро минорасининг паст томонида бозорнинг ички томонида ўз номимдан Дор-ул-улум — Билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим; ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин этдирдим. Мазкур мадрасада истикомат қиладиган талабалар сарф-ҳаражатлари, маош ва кийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим; уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказдирдим. Бозор ва йўл ободлигига кўп ҳаракат қилдим, уч йил ичида Бухоро мамлақати анча обод бўлди, унга зеб-зийнат ва тартиб-интизом ўрнатдим. Менинг саъйи-ҳаракатимдан Бухоро аҳолиси ва бутун мамлакат мамнун бўлди.

Банда ўз халким учун кўлимдан келадиган хизматимни бажо келтирганимга шукр қилардим. Бу бандайи ожиз Турон мамлақатида ўн йил давомида салтанат сурдим. Ўн йилдан сўнг, Совет давлатига қарши курашдим, ниҳоят Афғонистон давлатига кўчдим.

БОЛЬШЕВИКЛАР БИЛАН БЎЛГАН МУХОРАБА ХИКОЯСИ

Большевикларга қарши қилган юришим ва Бухородан кўчишга ихтиёр этишимга доир барча сабаблар хикоясини мушоҳада юритувчиларнинг хотиралари учун буларни таҳрир ипига тиздим, токи бошимдан ўтган ахволотимдан ўзгалар ҳам хабардор бўлсалар. Вақт келиб Бухоройи шариф давлати бувам, раҳматлик Саййид Амир Музаффархон

даври салтанатидан то раҳматлик Саййид Амир Абдулахадхон мағфуру марҳум падари бузрукворим замониға ва ундан то бу бандайи ожиз салтанати муддатигача мана шу Бухорода ўтди. Бу орада ва муаззам рус давлати салтанати барқарорлигининг олтмиш уч йиллиги давомида бу томонларда дўстлик ва ошначалик юз бериб, икки давлат орасида дўстлик барқарор ва бардавом бўлди. Шу сабабдан рус давлати ходимлари билан Бухоро давлати ходимлари ўртасида келишув ҳам бўлиб ўтган эди. Келишувларда аскарлар ва харбий қуроллар Бухоро тарафидан қисқартирилиб, (Уни кўриклаш учун) харбий асбоб-ускуналар ва аскарларни рус давлати ўз зиммасига олган бўлди. Бухорода эса мамлакатни химоя қилиш учун ўн икки минг аскар бўлишига қарор қилинди; мамлакатни химоя қилиш борасида яна аскар лозим бўлса, рус давлати Бухоро давлатини қўллашга тайёр турадиган бўлди. Шу билан император давлати замони мавжуд бўлган қадар Бухоро давлати аскарлар ва харбий қуролларга ҳеч эҳтиёжи бўлмади, тинч ҳаёт ҳукм сурди, мен бўлсам мамлакат ободончилиги билан шугулланишга интилардим. Бундан сўнг рус давлати инқилоби юз берди. Бу банда мамлакатни тартиб-интизом ва хавфсизлигига саъй-ҳаракат қилдим.

Бинобарин рус жамоати ичидан бир қанча беасл бўлмағур жохил шахслар пайдо бўлиб, улар ўзларининг ҳазрат жаноб олийлари-рус давлати улуглари орасига раҳна солдилар. Улар қарор қабул қилишиб, одамларни мажбур қилишди. Бу беасл бўлган шахслар бу қонун билан одамларни тўплаб, ниҳоят рус императорлик давлатини ўз салтанатидан ағдариб, ўз жамоасидан бўлган бир неча нафар одамларни қаттақон қилиб қўйдилар ва ўз ҳуқуматларини муваққат шўро мажлиси деб атаб, Керенский деган одамни жумҳурият раиси мансабига қўтардилар.

Бу муваққат давлатлари бир неча ой давом этди. Мазкур Керенский ҳуқумати тарафидан уларнинг Преображенский деган вакилларида бири мухтор вазир қилиниб, дорулфохира Бухоройи шарифга келадиган бўлди. Ниҳоят у киши шаҳарга қириб келиб, бу бандайи ожиз билан учрашди. Бу киши келиб гапга қулоқ бериб, икки давлат ўртасида келишув бўлди, шунда Бухоро давлати мустақиллигини бу ожиз бандага берди ва келишувга имзо ҳам чекди. Сўнг у қайтиб кетди.

Бухоро давлати мустақиллик олганидан сўнг дўстлик ва ошнолик ипларини пайдо қилиш мақсадида Бухоро давлати номидан вазир Тўрахўжа ва мулло Қутбиддинларни Афғонистон давлатига юбордим. Бу аснода хожи Сафарбийни ҳам ўз намоёндам сифатида инглиз комиссияга, Машҳадга юбордим. Комиссион ҳам юқорида эслатилган жавобни мувофиқ қўрди. Сўнг мен большевикларга Бухорони бўшатиб қўйишсин, деган фикрни билдирдим. Большевиклар менинг илтимосимга қаршилиқ қўрсатишди, улар инглиз аскарлари билан ҳам жанг қилдилар.

Бу борада Мирза Салимбек парвоначи ва Абдуррауф қарвонбошини инглиз аскарларига йўл қўрсатиш учун Чаҳоржўй томонга жўнатдим. Лекин уларнинг Чаҳоржўйга қилиши пайтида инглиз аскарлари у ердан жўнаб қолишган экан.

Бу орада Афғонистон давлати Бритониё давлатига қарши уруш бошлаб қўйди, кейин муқаддас Бухоройи шариф давлатига афғон давлати томонидан генерал Муҳаммад Валихон мухтор вазир сифатида ташриф буюрдилар. У киши зоти шахона билан учрашмоқчи бўлиб, афғон амири олий ҳазратларидан қўпгина совға-саломлар келтирдилар ва бу бандайи ожизга топширдилар. Мен мухтор вазир билан учрашдим. Бу суҳбат асносида бандайи ожизга унинг шахсий саволи ҳам бор эди, мен унинг жавобини айтдим. Менинг мақсад-ниятим шу эдики, мен большевикларга қарши уруш қилсам, зеро

шу фурсатда душманнинг ниҳоятда заиф экани кўриниб турибди. Шунинг учун вақтни ганимат билиш керак, сўзсиз, бу-шундай, дедим. Мухтор вазири анча ақлли ва узокни кўра оладиган шахс ҳамда ислом давлатининг хайрихоҳларидан бўлганидан менинг саволимга шундай жавоб берди.

Афғонистон давлати билан сиз ҳар иккаловингиз биродарсизлар. Бирингиз Британиё давлатига қарши бел боғлаб урушга киришганда, сиз ҳам бу тарафдан большевиклар давлатига шундай йўл тутсангиз, худо кўрсатмасин, сизнинг воситангиз сабабли миллат хизматкори бўлган ҳар икки биродар ислом олаmidан икки давлатни харобаликка олиб келмасангиз, деб кўркаман. Бу ишни орқага суриш, шунда биродарингиз иши нима билан тугаганини кўришингиз мумкин. Бундан сўнг бир-бирингиз билан бамаслаҳат иш юритсангиз, яхшироқ бўлади.

Рост, вазири аъзамнинг бу сўзлари жуда тўғри гап эди. Мен ўзимга бўлган яхшиликни шу билан билдим ва бу мулоқотни анча вақт хотирамда сақлаб, сабрни ўзимга ҳунар қилиб олган бўлдим.

Мухаммад Валихон Бухоро давлатидан рус давлати тарафига жўнаб кетди. Аъло ҳазрат афғон амири дўстликни мустаҳкамлаш йўлида Фазл Аҳмадхонни менга юборди. Ў икки юз нафар аскар, бир гуруҳ оркестр, еттита тўп, еттита филни менга юборди. Бу аснода элтутиш тадбирларини кўриб, Муваққат жумҳурият давлати Керенскийга бу бандайи ожиз ўз тарафидан ишончли бир кишини бир вафд-намоёнда тарикасида юбордим, янғидан келишув тузиб, унга имзо чекишни истадим.

Мазкур муваққат ҳукумат бу қиска фурсатда инқилобга йўлиқиб қолди. Улар икки қисмга ажралдилар; бири меньшевик, бошқиси большевиклар бўлиб, иккала жамоа ҳам бир-бирига уруш эълон қилдилар. Шу сабабдан булар иккалови ўртасида бир-бирига қарама-қаршиликлар юз бериб, ниҳоят большевиклар қарор топишди, Шунда рус давлатида қаттақон бўлганларнинг ҳаммаси ҳар хил мамлакатларга пароканда бўлдилар, у ерларда паноҳ топган бўлдилар. Большевиклардан бўлган бу жамоанинг тартиб-қонунларини на кўриб бўлинди, на билиб бўлинди. Чунки ҳамиша беқарорлик юзага келди, бу жамоа ҳукуматни хароб этиб, мамлакатни вайрон қилишга йўл қўйди, динларни, ибодатхоналарни йўқ қилишди, мўътабар ва давлатманд бўлган ҳар бир гуруҳ мол-мулкни босиб олиб, талон-тарож қилдилар, ўзларини қатл этишни ўзларига бурч деб билардилар. Уларнинг сўзларига ишонилмайдиган даражага келинди.

Бу вақтда бу бандайи ожиз Бухоро ўлкасини тартибга туширишга киришдим. Бу борада анчагина саъй-ҳаракат этиб, дуруст ишлар қилдим. Бу орада большевиклар жамоаси беасл қонун-қоидаларни чиқариб, ёлгон-яшиқ ишлар билан, бузук йўл-йўриқларни тўғри йўл деб билдилар. Шу тарика иш тутиб, уларнинг бу тартиблари муқаддас Бухоро давлатига ҳам тарқалиб, бир мунча жохил ва илмсиз кишилар беасл русия большевиклари йўл-йўригини қабул қилишди, ўзларнинг бузук ишларини жорий этишга интилдилар. Тахминан 117 нафар самарқандлик, тошкентликлар бирлашиб иттифок тузишди; бу жамоа ичидан чиққан икки нафар қаттақонлари — Файзулла Ҳўжаев ва Мирзо Муҳиддин Мансуров бузгун большевикларга ўз мақсадларини баён қилиб, улардан ёрдам исташди. Большевиклар ҳам бу жаҳид бузгунчиларга қўмақ бериб, темир йўли орқали номи Колесов деган қимсани Бухорога чақириб, 1336 хижрий жумодис-соний ойининг шанба қунида (1918 йил) уруш эълон қилиб, Бухоро давлатига қарши юриш бошладилар. Аллохнинг инояти, пайгамбар шариатининг мадади билан ҳарбий қуролларнинг қамлигига қарамай, Бухоро ислом аҳлига зафар қулиб қолди, бу

банда галабага эришди. Большевиклар ўз мақсадларига эришолмай сулх тузишга розилик билдиришди. Бу банда сулх тузишни яхшироқ деб билиб, ахволни тузатиш мақсадида аҳд тузишга рози бўлдим.

Бу урушдан сўнг Ленин ва Троцкий томонидан большевикларнинг раиси сифатида Элиава ва Брайдо деган киши мухтор вазир бўлиб Бухорога келди. У киши бандайи ожиз билан сўзлашиб, Бухоро мустақиллигини бутунлай менга бермокчи бўлди, ҳамда харбий курол билан ёрдам беришга ваъда берди, хатто юз йил олдин Бухоро давлатига карашли бўлган ерларни менга кайтариб бермокчи ҳам бўлди. Шу билан бирга эллик минг милтик, беш юз тўп-пулемёт, эллик аэроплан, эллик миллион сўм тилло тўлашга ваъда берди.

Совет давлати томонидан Аксельрод деган киши Бухоро давлатига элчи килиб тайин этилди, Афғонистон давлатига нисбатан дўстлик истехкомларини тузиб, Тошкентдан менга ўн битта ўқсиз тўп совга килиб юборишди. Большевикларнинг муомалаларининг кандай эканлигини шу ўқсиз тўпдан билиб олдим. Бу ожиз банда большевиклар ва уларнинг элчилари муомалаларини келишувга мувофик иш олиб бормаганликларини кўрганимдан сўнг хаёлимга бир фикр келди. Шу сабабдан мен аскар ва харбий куролларни тайёрлаш ишига киришдим. Икки йил ичида Бухоро харбий аскарлар ва курол-асалахалар тўплаб, кўшинларни урушга тайёр туриш даражасигача олиб келдим. Большевиклар жамоаси ўз конунларини бажо келтира бошладилар, аммо хар тарафдан меньшевиклар бош кўтариб, уларга карши чика бошладилар. Натижада улар большевикларни бекуват килиб, изтиробга солиб кўйдилар. Улар хар ерда Русиядаги темир йўлларни кўпоришарди, ҳамма жойда улар бош кўтариб большевик давлатини анча заиф килиб кўйдилар. Шунда бу бандайи ожизнинг хотирига шу нарса келдики, большевик жамоаси андак куч тўплай олса, албатта, у Бухоро давлатидан ўз касосини олади. Бу вақт ўз аскарларимни харакатга келтириб, мухорабага киришмокчи бўлиб турдим. Хоразм ҳукумати ҳам мен билан келишув олиб борди. Менинг кўл остимда бирлашиб, большевикларга карши урушга истак билдирдилар. Бу аснода большевиклар давлати кундан кунга ривожланиш томон юз ўгира бошлади, бу муомалалар билан вақт ўтаверди, борган сари улар кучая бошлади. Шу сабабдан бу бандайи ожиз яхши ниятлар билан келишувни янгилаб, унга имзо чекиш учун ўз тарафимдан бир неча кишилардан вафд тузиб, Ленин ва Троцкий қошига жўнатдим. Бу жамоанинг эътиборсизлиги ва окибатсизлигини яхши билардим. Бордию агар унга карамай, бу хил беасл ва беокибат ҳукумат билан келишув килсам, хориждаги буюк давлатлар наздида Бухоро давлатининг бадном бўлишига сабаб бўлар эди. Бундай хаёлларни ўзимдан узоклаштириб, мақсад ва муддаосиз, мурасасозлик ниятида инкилоб замонини муборакбод этиб беш кишини: генерал Махдихон, Хожи Жўрабек тўқсоба, Гайбулло Хўжа, Хожи Мирзо, Мирза Наврузбей ва яна бир нафар бошка кишини Ленин ва Троцкий қошига Москвага юбордим.

Шуни айтиш етарлики, Бухоро давлати андак вақт ичида зарур харбий чораларни кўриб, бирозгина тартиб-инизом ўрнатгач, исломда ҳаммазхаб бўлганлиги жихатидан бир-бирига меҳрибонлик билан караш окибатида икки биродар (Афғонистон ва Бухоро) бир тану бир жон бўлиб колди. Афғонистон давлати билан дўстлик аҳди тузилди. Шу жихатдан большевиклар жамоаси унга рашк билан карар эди. Бордию агар аста-секин Бухоро ҳам зўрайиб тартиб-интизом даражасига эришиб коладиган бўлса, бизнинг жумхурият давлатимиз паришонхолга тушиб қолиши ва ранжу кулфатга мубтало бўлиши

турган гап, деб ўйлашди. Вахоланки, бизда етишмовчиликлар бор. Ана шу камчиликларни бартараф қилиш учун каттик киришиб, ўзимизни бу кийинчиликлардан холос қилишимиз керак.

Бундан сўнг большевикларнинг Бухоро давлатига бўлган муомаласи кундан кунга ва борган сари каттиклаша борди. Улар Бухоро давлатига гайриконуний талаблар қўйиб, уларни ижро этилишини талаб қиладиган бўлишди, улар қандай бўлмасин, бир амаллаб уруш бошлашни ўзларига хунар қилиб олишди. Улар ўринсиз равишда бухоролик фуқароларни йўл-йўлакай тутиб, уларни қамаб қўйишарди, ниҳоят, ислом давлатининг бу душманлари анчагина аскар ва қурол-яроғлар тўплаб, қўққисдан Бухорои шарифга хужум қилишни истардилар. Бу бандайи ожиз ўз душманига карама-қарши туришга мухайё бўлиб турди. Хар томондан одам тўплаб, Бухоронинг Когон темир йўл станциясида қуролланган холда тайёр турдик.

Большевиклар бу орада қўп хийла-тадбир қўллашга, гўё дўстлик либосларини кийгандек бўлиб, аслида макру хийла тадбирларини ишлатиш йўлига, маккорлик йўлига ўтдилар. Гўё сулх тузиш учун Баранов деган ташки ишлар вазири бўлмиш бир кимсани фавқулодда элчи қилиб, Тошкентдан Бухорога юбордилар. Мухтор вакил бу бандайи ожиз хузурига келиб учрашди. Шу киши узр баён этиб, гаплашди, гапларимизни эшитиб, биз билан келишди. У киши илтимос қилиб айтдики, рус давлати эллик беш йилдан бери Бухоро давлати билан дўстлик ва ошначиликда бўлиб келди, то шу пайтгача бизнинг давлатимиз Бухоро давлатидан барча манфаатларни қўриб келмоқда, шу билан бирга икки давлат ўртасида бу орада ҳеч қандай бир-бирига зарар қўрадиган ишларни бажо келтиришмади. Истардимки, бугундан кейин ҳам бу икки давлат ўртасида дўстлик ва ошначилик гуллаб яшнаса ва бизга ҳам сизнинг давлатингиздан ёрдам ва манфаат тегса. Сизлардан бизларга хар қанча хизмат бўлса, бизнинг жумҳурият давлатимиз уни ўрнига қўйса. Лекин сизлардан бир илтимосимиз бор, ўз аскарларингизни бизнинг темир йўл станциясидан олсангиз, чунки биз уни ўзимизга истехком қилмоқчимиз. Бизнинг аскарларимиз ваҳший ва нодон одамлардир. Мабодо сизнинг аскарларингизни қўриб қолса, унга тўқнашиб қолиб, сиздек зоти шахона олдида бизни уялтириб қўйишади. Бу борада сиз нимаики истаб, унга хоҳиш билдирсангиз, ўша айтганингизни бажо келтирамиз.

Шу тарика у билан гаплашиб, гапларини эшитиб, келишув туздик, унга имзо ҳам чекдик. Шу билан у ўз жойига қайтиб кетди.

Большевиклар йўл тўсиб қўлга қиритган бир қанча фуқароларимизни бўшатиб, йўловчиларни қўйиб юборишди.

Шу билан бу бандайи ожиз аскарларимиз рел тарафдан уч милча йўлдан олиб орқага чекиндик, у ерда бир истехком ҳам қурдик, сўнгра бу манзилга қирқ нафардан иборат аскарлардан қоровул қўйдирдим. Хар эҳтимол, бу нарса душман сиқиб келганда шояд фуқароларга мадад бўлиши мумкин эди. Аммо душманларимиз бу найранг билан бизни гафлатда қолдириб, мисоли бир йўлтўсарлар қаби, уруш эълон қилмасдан хижрийнинг 1339 йили (1920) зулҳижжа ойининг ўн бешиде яқшанба кечаси соат ўн иккида соқчилар ва қўриқчилар устига хужум қилиб келиб, ўша ерда темир йўл атрофига қўйилган барча қоровулларни, тахминан, юз эллик нафар кишини банди қилдилар.

Шу тарика улар Бухоро аскарлари устига ёпирилиб келиб хужум уюштирдилар, шу билан урушни бошлаб юбордилар. Натижада вақт ярим кеча соат иккида анча аскар ва харбий

куроллар жамлаб, тўп отиш ва ўк ёғдириш билан бирга темир калконли аравалар — броневиклар, темир копланган моторлар — бронепоездлар билан уруш бошлаб юбордилар. Улар ўн битта тайёра билан Бухоро шахри устида хавода парвоз этиб, бомба ёғдирдилар. Бу бандайи ожиз ўз аскаримни мажбуран олдинга — фронтга чиқариб, ихтиёрни тақдири илохийга топшириб, тўрт кечаю тўрт кундуз урушдик. Бу уруш асносида душман тахминан Бухоронинг ярмини тўп ва пулемётдан ўкка тутиб, кўп талафот етказди. Мусулмон бечоралар душман дастидан мол-дунёсини, ўз фарзандларини ташлаганларича, нима қилишларини билмай, хар томонга коча бошладилар. Шунга карамай, бу бандайи ожиз тўрт кечаю кундуз душманга қарши урушдим, каттик жанг қилдим. Тўп ўқларининг кўплиги, бомба ёғдиришлар, талафот ва харобаликлар Бухоро шахрида ортиб кетиб, камбагал бева-бечораларни каттик ташвишга солиб қўйди. Шунда ўзимча ўйладим. Бу бандайи ожиз ушбу Бухоройи шариф шаҳаридан кўчишни ихтиёр этсам, шояд шу сабабдан харобаликка бўлган сабаблар йўлини тўсиб, факиру фуқаро бечораларни бу жабр-ситамлардан озод қилсам ва осойишталик бахш этсам, деган андишада чохоршанба куни тушдан кейин соат тўртларда фойтунга ўтириб, мисоли хазрат Пайгамбар алайхиссалом суннати бўлмиш хижрат каби кўчишни ихтиёр этдим. Шохлик боғи саналган Ситорайи моғи хоссадан чиқиб, Тумон Комот ва Хирконрўд, яъни Гиждувон тарафга равона бўлдим. Бу вақтда менга афгон элчиси ва бригад саркардаси Абдушукрхон ва Афғонистоннинг Тошкентдаги элчисининг ов бошлиғи Мухаммад Асламхон, афгон харбий қозиси (атташеси) ва йигирма беш минг нафардан иборат Бухоро хизматчи ва аскарлари, шунингдек, афгон аскарлари ва мансабдорлари менга ҳамроҳ бўлишди. Биз Гиждувон туманига етиб келиб, бир кечани ўша ерда ўтказдик.

Менинг кўчишимни эшитиб факиру хотин-халаж, бола-чақалари билан йиглаб, нола қилишиб, менинг изимдан тушиб, панжшанба куни кечкурун ўша зикр этилган Гиждувонга, кўнокжойимга етиб келишибди. Улар тахминан ўн минг нафардан ортиқрок эди. Хаммаси йиглаганча қелишди, худди қиёмат кунини кўз ўнгимда келтиргандек бўлдим. Улар ўзларини ерга уриб, қанча-қанчаси бу гам-андух ва жудоликка қандай олмайдик тақдири илохий билан ҳаққа жон таслим қилиб, худойи таоло раҳматига эришдилар. Бу бандайи ожиз шу ахволда алам етган барча бечораларга насиҳат этардим, кўнгилик кўтарадиган сўзларни айтиб тасалли берардим. Хар бир бечоралар ҳаққига дуо қилардим, ўзим ҳам ундай факиру фуқаролар дуосини олардим. Шу билан нима қилишимни билмай, маюс, нимагадир мунтазар бўлиб қолдим. Шу билан Бухоронинг шарқий томонини истаб қолдим, натижада саккиз кун деганда Бухорога қарашли Қўргонтепа деган жойга етиб қелдим. Унда бир ўн кунча турдим. Гиждувон муқолишида ногохон бронепоезд вағони пайдо бўлди ва йўлни тўсиб қўйди. Шу пайтда бир неча нафар менинг атрофимдаги одамларим, чунончи, Усмон қушбеги, қозилар қозиси Бурхониддин, раис Абдурауф қарвонбоши, Юсуфбей Муқимбий қўлга тушиб қолдилар. Душман йўлини тўсиш ниятида мазкур вилоятда истехком қуриш тараддудини қўрдик. Бу иш учун аскар ва фуқароларни тўплаб Бойсун вилоятига қарашли Бандар деган жойдан Дарбанд деган жойгача душман олдини олиш учун истехком қилдик, ўша ердан уруш бошлашни уйлаб қўйдик. Кейин Бухоронинг шарқи бўлган Хисор вилоятига қелиб турдим. Хисор вилоятида большевикларга қарши олти ой давомида қураш ва жанг олиб бордим.

Жанг бошида харбий вазир тоғам Мухаммад Саидбек парвоначи ва уруш қўмондони Абдулҳафиз Парвоначи, Иброҳимбек бий аскар бошлиқлари эдилар. Шу билан олти ой

давомида кураш ва жанг юз бериб, охийри большевиклар жамоаси ўзлари пайдо килган мазкур урушга мажбур бўлишиб, Москвадан анчагина аскар ва харбий куроллар йигиб келдилар. Шу билан улар бирдан ислом лашкари устига хужум бошладилар. Ислом аскарларида харбий анжом ва куроллар кам бўлганлиги жихатидан ўн кун давомида урушиб, жанг киладилар, сўнгра бу бандайи ожиз ёрдам ва мадад сўраш харакатида хорижий давлатларга мурожаат килдим. Сўнг Хисор вилоятидан Кулоб вилоятига ўтдим. Бу вилоятда Мулла Мухаммад Иброхимбек девонбеги ва Давлатмандбек девонбеги – булар Бухоро шаркидаги ўзбеклардан эди, ўзлари Бухоро давлатига садокатли бўлиб, анчагина лаёкатли хизматлар, жонбозликлар кўрсатиб кўйишган эди, хамда бу бандайи ожизнинг кўнглидагини топган хам эди, уларни лашкарбошиликка тайин этдим. Улар иккаловини хузуримга чорлаб, сипориш бердим:

«Бу бандайи ожиз доруссалтана Кобулга бориб, мадад ва кўмак олиш тараддудига киришай. Агар бу ердан чикишим сабабли бизга бирор кўмак ва ёрдам тегса, уни бажо келтириб келгунимча, сизлар ўз аскарларингизни душманга карши кўйиб туринглар. Хозир душман хужуми кўпрок бўлиб турибди, агар унга бас келиб турмасангиз, факиру фукаралар ташвиши ортади. То мен кайтиб келгунимча, факиру фукаралар осудахол кун кўриб туришса», дедим.

Мен амр-фармон чикариб, уни муайян жойларга юбордим, Мухаммад Иброхимбек билан Давлатмандбекка менинг ўша рухсатларим билан иш юритишга, душман йўлини истехком килиб туришга буюрдим. Мен ўзим бўлсам, Кўлоб вилоятининг усти билан Амударёдан ўтадиган жойдан 1339 йилнинг (1921) жумадус-сонийсининг йигирма иккисида, чахоршанба куни дарёдан кечиб ўтиб, Афғонистон тупрогига дохил бўлдим.

Афғонистоннинг чегарасида тартиб-интизом сакловчи маъмури ўз аскарларини тизиб, бизни кутиб олишга пешвоз чикди, бизга салом бериб Абдуназарбеги деган жойга карашли бир кишлокда тайёрлаб кўйилган кўнок жойга тушдим. Мен бу ерда истирохат килиб ўша ойнанинг йигирма учта панжшанба куни ўша жойнинг рустоки — марказига етдим. Юкорида зикр этганим Мухаммад Аъламхон тахминан уч юз нафар аскарини саф тортириб, менинг истикболим шарафига ўн бир бор тўп отиб, карши олди. Шу тарика мен рустокнинг ичига кирдим. Икки кунни ўша ерда ўтказдим. Менинг бу ердалигим хабарини Катафан хокимига билдиртирдим, кейин мазкур ойнанинг шанба куни Катафанга азм этдим. Хукумат ноибининг ўгли ўша вилоятнинг бир неча нафар мўътабар кишилари билан бирга менга пешвоз чикдилар, ўша аснода улар бу бандайи ожиз билан учрашиб, менга хамрохлик килдилар. Шу билан дор-ул-хукуматга равона бўлдик. Мазкур хукумат раисининг ноиби - губернатори Мухаммад Акбархон ва бош кўмондон Бинбинхонлар аскарини маросим билан бир фарсах йўлга пешвоз чикишди, йигирма бир бор салом тўпи отишиб мени музика билан кутиб олишди. Шундай килиб, жумадус-сонийнинг йигирма тўққизида чахоршанба куни Катафан дор-ул-хукуматида кириб бордик. У ердаги Хаёт-ул-обод деган шахона богда дам оладиган бўлдик. Шу билан ўттиз беш кун ўша ерда ором олдим.

Бу орада афгон амири олихазрат Омонуллахон тарафидан Мухаммад Асламхонни Миршикор сифатида бу бандайи ожиз хузурига юборди, У киши бир канча вақт мен билан бирга бўлиб, кўп мехмоннавозлик кўрсатди. Бинобарин, амир хазратлари менга тасалли бериш максидида ўз тарафидан менга хат йўллаб, мени у билан учрашишга ва юз берган бесаранжом ахволни бартараф килишимга Дор-ус-салтана бўлмиш Кобулга, ўз наздига таклиф килди.

Бу бандайи ожиз Амударёдан Афғонистон тарафига кечиб ўтаётганимда, Бухоронинг энг мўътабар навкарларидан тахминан уч юз нафари менга хамрох эдилар. Шу билан бирга хар бир ўша эслатиб ўтилган дарё гузаргохида тахминан бир лак нафар одамлар ўтиб, хузуримда тўпланишар эдилар. Бу жамоадан тахминан беш юз нафарини, шу жумладан энг кўзга кўринган Бухоро ахолисдан ўзимга йўлдош килиб олиб, колганларини Афғонистонга карашли турли-туман ерларга тайинладим. Ўзим бўлсам, ўша беш юз киши хамрохлигида доруссалтана Кобул томон юзландим.

Шу билан бир неча кун йўл юриб, ниҳоят, 1339 хижрий йили саккизинчи рамазонда, чахоршанба куни Дор-ус-салтана бўлмиш Кобулга етиб келдим. Ниҳоят, бу бандайи ожизнинг ором олиши учун кароргох килиб тайёрланган шохлик боги бўлмиш — Муродбеги калъасига, бизга ажратилган ерга ўрнашдик.

Олий хазрат афгон амири тарафидан чамаси ўн нафар вазир ва амирлар мазкур бокка келишиб, бизни кутиб олишди. Сўнгра афгон амири бу бандайи ожизни канча-канча нафар мўътабар кишилари келиб, биз билан учрашдилар ва биз амир билан бир-биримизни кўриш шарафига муяссар бўлган бўлдик. Шу тарика мен Афғонистон давлатида бир ой давомида мехмондорчиликда бўлдим. Бир ой ўтгандан сўнг менинг сарф-харажатимга хар ойга ўн икки минг кобул рупиясидан ойлик тайин килишди.

Бу бандайи ожиз ўз ишимни саришта килишга интилдим. Бинобарин, Аллохнинг иродасига мувофик тараддудларим такдир насибасига эришмади, менга мадад ва ёрдам етиши назардан узок эди. Шу сабабдан такдири илохийга розилик бериб, Дор-ус-салтана бўлмиш Кобулда туриб колдим.

Ниҳоят, мен у ерда туриб қолишни ихтиёр этдим, зоти шахона олий хазрат афгон амири Кобулнинг жануб қисмидаги Фату деган богни менга инъом этиб, менинг сарф-харажатимга бериладигани ўн икки минг рупияни ўн тўрт мингу беш юз рупия килиб тайин этдилар.

Мен вақт-соати етиб Бухоро тупрогидан Афғонистонга ўтган кезларимда большевиклар жамоаси келиб, Мухаммад Иброхимбек Девонбегига карши тавсиф этилган урушга киришиб, шу тарика бир неча кунлар ўтди. Ниҳоят, курол-ярогнинг озлиги, душман хужумининг кўплиги жихатидан мазкур лашкарбошининг аскарлари хар тарафга яшириниб, кўздан гойиб бўлдилар. Душман бўлса бу холда тараддудланиб колди. Улар хар тарафда бор бўлган фукараларни тутиб олавердилар. Улар ортикча зулму истибдодини хаддан ошириб юбордилар.

Мулла Иброхимбек Девонбеги ўша тавсифланган лашкарбоши бўлганидан ўз аскарларини тўплаб, улар хол-ахволини кўриб охиста-охиста ишга киришиб, қайси кишлокка душман кириб жойлашган бўлса, уларни топиб, устига хужум уюштирилди, натижада анчагина харбий курол-ярогларни тўплади. У фукаралар ва мазлумларга хабар бериб андак фурсат ичида бир ўн минг нафар аскар тўплади, шу билан Кўлоб ва Балчувонга хужум килиб, бу икки вилоятни душман кўлидан халос килди ва сарф-харажатини топиб, Кобул доруссалтанасига бу бандайи ожизга ўз ахволи ва кайфиятларини битиб, ўзининг бир неча аскарлари, сардорлари хамрохлигида менга юборди. Мазкур шахслар менинг хузуримга етиб келиб, Мулла Иброхимбек ахволи ва кайфияти хабарини менга етказди. Бу аснода Иброхимбек Девонбегининг ўзи Каротегин ва Дорвоз вилоятлари устига хужум килиб босиб борди ва бу икки вилоятни хам эгаллади. Ўзининг бу кайфиятларидан мени хабардор килгани одам юборди. Иброхимбекнинг бу гайрат ва мардлигидан анча мамнун бўлдим. Ўз тарафимдан Иброхимбекни айтганим юкори мансабга кўтардим. Мухораба учун маълум буйруқлар

чикариб, мухорабани давом этдиришга ижозат бердим.

Иброхимбек бўлса ўша тавсиф килинган етти йил давомида большевикларга карши мусулмон халки ва бу бандайи ожизни деб уруш килди, жанг асносида кахрамонликлар кўрсатиб, унинг якунларидан хамиша мени хабардор этиб турди. Шундай килиб мулло Иброхимбек ўша тавсиф этилгандек, мендан буйрук олгандан сўнг ўз лашкарларнинг кўлга киритиш учун уларнинг барчасини жамлаб, Хисор вилоятининг устки кисмига отланиб бориб, душман билан анчагина юзма-юз бўлди, у билан жанг килди, харбий курол ва хазиналарини ўлжа килиб олди, хаттоки Хисор вилояти аркини куршаб олди. У доимо бу бандайи ожизга ўз ахволдан хабар бериб турарди. У худди мужохидларча хизмат килиб, ўз ишидан бизни огохлантириб турарди. Шунда бу бандайи ожиз ислом йўлидаги мужохидлар учун юкори мансаблар, даража ва шонларини кўтариш учун мухрим ва имзом билан буйрук юборардим. Хар гал хол сўраш учун ўз тарафимдан Кобул доруссалтанасидан бир — икки нафар одам юбориб холидан хабар олардим. Шундай килардимки, менинг тарафимдан борганлар хол-ахвол сўрашиб, кайтиб келишарди; Иброхимбек хам ўз ишини хеч махал менинг ижозатимсиз килмасди. Шу аснода Иброхимбек Хисор вилоятини ўраб олган бўлади. Бухоройи шариф тарафидан турк Анвар пошшо йигирма етти нафар турклар билан Бухоронинг шарк тарафидан Кўргонтепа вилоятида мужохид аскарларига якин келади. Шунда мазкур аскарлар Анвар пошшонинг бу келиши кайфиятини мулло Иброхимбекка хабар беришибди. Шу билан бу лашкарбошимиз бу маънодаги гапни бу бандага хабар килади. Ахволга кўра кандай сиёсат юргизишни у менинг фикр-мулохазамга ташлайди. У кайфиятни, доно бир тадбир ишлатиш йўлини ва хусусан мусулмонлар халифаси бўлмиш Султон Раходхон хакида хам ёзиб юборди. Мен бу хабардан огох бўлиб, Иброхимбекка фармон йўлладим. Унда Анвар пошшони душман билан курашда ўта сохиби тадбиркор эканини, унга сиз олижаноблик кўрсатишингиз лозим. Ўз ёнингизга чорлаб сўранг, агар ислом миллатига хизмат килишга истак билдирса, бизнинг зоти олийимиздан ваколтан улугвор ва олижаноб хизматларини деб, дарёдан ўтказиб, бу тарафга равона килиб юборинг (деб ёздим). Бу банданинг фармони юзасидан Мулло Мухаммад Иброхимбек мужохид аскарларни тўплабди, уни кутиб олиб, олийжаноблик кўрсатиб, Анвар пошшони ўз хузурига чорлабди. Нихоят, унинг шахсий максadini сўрагач, Анвар пошшо ислом халки учун хизмат килишни истагини билдирган, шу тарика биз айтган Иброхимбек ўша айтилган Хисор вилоятида хужум уюштириб, истагига эришди, мазкур вилоятдан анчагина хазина ва харбий курол-ярогларни кўлга киритди. Бу вилоятни ўзига марказ килиб олади. Дехнав вилоятининг юкори кисми бўлган Бойсун, Хузор, Шеробод, Каршида харакат килиб, ўз кайфияти ва ахволи хакида бу бандайи ожизга маълумот бериб турди. Мен бўлсам ўз тарафимдан Иброхимбекни сифатлаб бир китъа ризонома ва бир Куръони шариф хамда бир зардор расмий тўн мархамат килиб юбориб, хурматини бажо келтирдим, бошини кўкка кўтардим. Бухоро шахри теварак-атрофи ва Бухоро туманлиги Иброхимбекнинг кураши хакида хабардор бўлганидан Бухоро шахри атрофидаги фукаралар, Гиждувон, Пирмаст, Вобкент, Хўжа Ориф, Хутфар, Вагонза, Коракўл туманликлари ахолиси ва фукаралари, тахминан, ўн беш минг нафар одам тўплаб, бу бандайи ожизга табиълик ва фидокорлик билдирган. Буни менга мулло Иброхимбек бир хатга битиб, бу бандайи ожизга юборди. Муллаа Иброхимбек уларнинг арзи холларини айтиб, мендан сардорлик килишимни илтимос килган. Мен Абдулкаххор деган менинг бир мўътабар хамсухбатимни бухоролик

фидокор фукароларга йўловчи сардор килиб тайинлашга қарор қилдим.

Шунда мен ўз тарафимдан ўша жамоадан бўлмиш бир канча одамларни сардор қилиб тайин этдим, ўз номимдан фармон битиб юбордим. Зеро мулла Абдулкаххор менинг рухсатномамни олиб,

Бухоро шаркига, ўша Мулло Иброхимбек даргоҳига етишган, у билан учрашиб, у ердан Бухоро тарафига ўтиб, у ердаги Бухоронинг фидокор фукаролари жамоасига етишиб, менинг номимдан мазкур жамоадан хол-аҳвол сўрашган, бундан сўнг улар тадориклар қилишиб, большевикларга қарши жанг бошлайдилар. Миллатга жонфидолик кўрсатиш бир мақсадга айланди, Худо хоҳласа, Бухоройи шарифнинг дин йўлидаги жанг ва фидокорликлари, жонбозликларини таҳрир ипига тизмоқчиман.

Энди Анвар пошшога келсак, у Бухоро шаркида Иброхимбек ёнида бир йил давомида динга эътиқод ва садокатла хизмат қилди, бу аснода Бухоро шаркидаги бир канча вилоятлар қўлга киритилди, Бухорони душман қўлидан ҳалос қилди.

Иккинчидан, Мулла Иброхимбек Бухоронинг шаркида яшайдиган фукаролар билан келишиб, бу бандайи ожизни сўраб олий хазрат Афғонистон амирига арзиҳол қилишди. Ўзлари тарафидан саккиз нафар вакил тузишиб, Қобулдаги доруссалтанага юборишди. Зикр қилинган вакиллар Қобулга кириб келишди, улар афғон амири ҳузурида бўлиб, унга мурожаат қилишди.

Афғон амири арзу ҳолни эшитди ва уни маъқул топди. Шунда Анвар пошшо бу борада фикр баён қилиб қолди: унингча, ҳозир душман истехком йўлининг асосий қисми Бухоронинг шаркидаги кўргон деб билиш— бу тўғри эмас, зероки бизнинг рўпарамизда турган душман ер юзидаги буюқ давлатлар қабул қилган халқаро қонунларни инкор қилади. Биз ҳамиша урушга боғланиб қолганмиз. Худо хоҳласа, қулай фурсат келиб, Бойсун вилоятини эгаллаб, ўз тасарруфимизга киритсак, чегара жойларимиздаги қалъаларимизни ўзимизга истехком қилган бўлардик. Шундан кейингина ўз подшоҳимизни келтиришимиз мумкин. Шу ислоҳ билан Бухоро шаркининг вакиллари ўз жойларига қайтмоқчи бўлдилар.

Олиҳазрат афғон амири вакилларнинг ҳар бирига анчагина шафқат меҳрибонлик кўрсатиб, хурсанд қилишиб, уларга қайтишга рухсат бердилар. Мазкур вакиллар ўз жойларига қайтиб кетдилар. Бу қайфиятдан сўнг, 1345 ҳижрий, зулҳижжанинг ўнинчисида Анвар пошшонинг шаҳид бўлгани маълум бўлиб қолди. У Балжувоннинг юқори қисмида бўлган жангга кириб, ийди қурбон қуни шаҳид бўлиш даражасига етишди. Унинг жасади Чакан мавзеида Хазрати Султон деган ном билан машҳур бўлган зиёратгоҳ жойга дафн этилди. Шу қуни Давлатмандбек ҳам шохид бўлган эди. Шаркий Бухорода Давлатмандбек айғокчилари душман томонга ўтиб, хабардор бўлишса, большевик жамоалари канча вақт тайёргарлик олиб бориб, аскар тўпламоқчи бўлган, иккинчидан, 1925 милодий йили Бухоро шаркининг лашқарбошиси Иброхимбек устига қўққисдан ҳужум бошлаган, шу билан йигирма беш кун давомида икки ўртада пайдар-пай урушу қиргинлик юз берди, кечаю кундуз жанг бўлиб, мисоли қонли Сайхундан кечиб ўтилди.

Бу уруш пайтида Мулла Иброхимбек ўшал тавсифли галаба қозонди, бир канча тўп ва пулемёт ва 1800 бенготар милтик, уч юз минг бешотар милтик ўқи, иккита темир қопланган мотор — броневик, икки дона аэроплан осмондан уриб тушириб қўлга олинди. Аэропланнинг ичида бир канча маузер тўппончаси бўлиб, улар ҳам ўлжа қилинган. Буларнинг ҳаммасини муфассам қилиб битиб, бу бандайи ожизга маълум қилишди.

Большевиклар ўз истакларига эришолмайди. Улар биров нафас ростлайди.

Юкорида зикр этилган Иброхимбек бўлса мамлакатни тартибга тушириш, ўз аскарларини тузиш иши билан банд бўлди. Бир канча вақт ўтгач, 1345 хижрий йилининг бошларида Мулло Иброхимбек Шаркий Бухоронинг мужоҳид аскарларига тартиб бериб, уларни тўплаб, Бойсун вилоятининг юкори қисмига бориш азда эди.

Бу аснода большевиклар Дарқаднинг юкорисидаги Амударё бўйларида ўз аскарларини жамлаб Афғонистон давлатига қарши қаратди; чегара масаласида бир-бири билан гаплашишди, бир-бирини эшитишди. Бу икки зикр этилганлар орасида ишлар андақ таранглашди. Иброхимбек бу хабарни эшитиб, Бойсун юкорисига бориш ниятидан қайтди. У ўзининг бир неча нафар саркардалари билан ярим аскарини Бойсун тарафига равона этиб, ўзи ўн беш минг аскар хамрохлигида афғон давлатига ёрдам бермок ниятида Афғонистон чегарасига яқин ерда, тоғ тагига келиб турди. Бу ерда у қирқ кун давомида кутди. Шундан сўнг Афғонистон билан большевиклар ўртасида муомалалар бир ёкли бўлди, ўзаро келишишди. Иброхимбек бу хабарни эшитиб, ўз жойига қайтиш ниятига тушди. Большевиклар унинг бу ахволдан хабар топишиб, йигирма беш минг нафар большевик аскарини бир неча томондан Иброхимбек аскарлари устига ҳужум қилишга тушди. Шунда беш кечаю кундуз давомида жанг бўлди, икки тарафдан кўп одам ўлимга дучор бўлди. Душман ҳужуми ортаверганидан мужоҳидлар аскарлари ҳар томонга тарқалиб кетиб, Иброхимбекнинг уч юз нафар навқари большевиклар орасида бўлган жангда ўзи қолиб, ахволи танг бўлди, ниҳоят, Иброхимбек ўз оти жиловини Амударё сувига бурди, дарёдан у Афғонистон тарафига ўтди. Сўнг у бу бандайи ожизга ўз ахволи, қайфияти, қураши ва ўша маълум дарёга бурилгани, ташлангани ҳақида мени хабардор қилди.

Афғонистон давлати Иброхимбекка одам юбориб, унинг хабарини эшитиш учун доруссалтана Кобулга чорлади, уч кун давомида унга меҳмондорчилик кўрсатди. Амир унинг учун маош, жой ажратди, аммо Иброхимбек маош ва турар жой олишни истамади. Афғонистон давлатидан илтимос қилди. «Мен Бухоро пошхохининг фидойи хизматкорларидан бириман. Истардимки, ўз валинеъматим қошига борсам ва қолган умримни у киши оstonасида ўтказсам».

Шу сабабдан Иброхимбекни мен билан учрашдириш учун қошимга равона этдирибдилар. У мен билан бирга яшади. Унинг қунлик харажати учун Афғонистон давлати тарафидан ҳар ойига беш юз эллик қобилий рупияси тайин этилди.

МУЛЛО АБДУКАХХОРНИНГ БУХОРО АТРОФИДА ТўРТ йил МОБАЙНИДА УРУШИ

Мулло Абдулкаххор доруссалтана Кобулдан бу банданинг руҳсати билан Бухоро ва унинг туманлари атрофида фидокор мужоҳидларга раҳбарлик қилиб, аскарлар орасида тартиб-интизом ўрнатгач, у Гиждувон туманини озод қилиш ниятида душман устига

бостириб борди, шу билан, Гиждувон туманини душман кўлидан куткарди ва уни ўз тасарруфига киргазди. Шу билан у ердан анчагина дин ва бу банда тарафдорлари фидойи кишилар унга хамрох бўлдилар. Шу жумладан Бухоро атрофидан тахминан олти минг нафар, Вобкент туманлиги тарафидан икки минг нафар, Ваганза туманидан икки минг нафар, Шофриком туманидан икки минг нафар, Пирмаст туманидан икки минг нафар, Хутфар ва Лаклака туманидан икки минг беш юз нафар, Бахоуддиндан икки минг нафар аскар йигилди. Шундай қилиб, барча жойдан йигилганларни жамласак, йигирма беш минг нафардан ортиқроқ жамоа йигилибди. Хар бир фирка ичидан бир ёки иккитадан ўз-ўзларига саркарда тайинладим. Натижада Гиждувон туманидан душманга қарши уруш бошланиб, икки ўртада каттик жанг бўлди, бир ой ичида большевиклар кўлидан икки минг бешотар милтик, юз минг бешотар ўқ, ўнта пулемёт ва учта темир копланган броневик ўлжа олинди. Шу билан бир неча туманларни эгаллаб, Нурота вилоятининг юқори қисмига бориб, у ерда бир канча нафар улуг одамлар истикболига чиқишиб, мужохид аскарларнинг ахвол ва қайфиятларини англашиб, кейин аскарларни олиб Нурота вилоятига кириб боришди. Шахар большевикларини ушлаб банди қилиб олди. Бундан у ердаги фуқаролар анча хурсандчилигини изхор қилишиб, хутбани бу бандайи ожиз номига ўқишган.

Мулло Абдулкаххор большевиклардан анчагина харбий асбоб-ускуналардан ўлжа олиб, Нурота вилоятини ўзига марказ қилиб олди. У ўз ишларини саранжом қилганини кўриб, у ердан Бухоронинг юқори томонига юриш қилди; Сарипул, Мехтар Косим кўприги бошигача борилган аснода Бухоро жадидларининг Абдулдахамид афанди деган харбий вазири олти нафар бухоролик, турк, хинди одамлари хамрохлигида ўз олдиларига анчагина қурол-яроғ қўйиб Мулла Абдулкаххорни кутиб олишди. Абдулхамид афанди шунда мулло Абдулкаххорга олти минг инглиз фунти, иккита пулемёт хадя қилди.

Абдулхамид афанди мулло Абдулкаххордан Бухоронинг шарқий томонига бориб, Анвар пошшо ва Иброхимбек Девонбеги ёнига бориш учун рухсат олди. У ерга келиб, ундан узр сўраб, унинг хизматига бойаниб қолди. Буни Анвар пошшо хабар қилди.

Большевиклар жамоати мулло Абдулкаххорни Мехтар Косимдаги кўприкка етишганда хабар топиб, тўпланган аскарлари билан урушга киришиб, жанг бошлади, икки кечаю кундуз жанг қилди.

Мулла Абдулкаххор большевиклар устидан зафар қозонди, яна Бухоро шахри теварагини ўраб олди, натижада, шаҳарнинг олти дарвозасини эгаллади. Шу билан у большевикларни сиқиб чиқариб, Бухорони бўшатди. У темир йўл тўхтама — Когонга юриш қилиб, шаҳар ичкарасига қиради, тўрт соатдан кўпроқ бу ерда туриб, кейин шаҳар ичкарасидан чиқиб Бахоуддинга борди, у ерда ўн соат жанг қилиб, у ерни ҳам большевиклар кўлидан халос қилди. Абдулкаххор Бухоро ва Бахоуддиндан қўлга анчагина ўлжа қиритди. У ўз ахволи қайфиятларини ёзиб менга билдирди, шу билан мен уларнинг барча ахволларидан хабардор бўлдим. Абдулкаххорнинг бу хизматларидан эса кўп мамнун бўлдим. Шу билан унга бир аскарлий зарли тўн ва маузер тўппонча хадя юбордим.

Бу кунларда большевиклар безовталаниб, саросимага тушишди, аскар тўплашга уриниб, Масков ва Тошканд тарафидан анчагина аскар йигди. Шу билан хар тарафдан бирданига ўйи зикр қилганим мулло Абдулкаххорга хужум қилишди, Бухоро ва Бахоуддинни мужохидлар кўлидан олиб, большевиклар минг нафарга яқин мужохидларни асир қилиб қўлга қиритишди. Хатто большевиклар мулло Абдулкаххорни

кўлга олиш йўлида анчагина уриндилар; кечаю кундуз жангни давом этдириб, душман хужуми кундан-кунга орта борди. Большевиклар мужохид аскарлар ўртасида кўплаб давлатлар сарф этди, уларни инкилоб қилишга ундади. Йигирма беш кун ичида мулло Абдулкаххорнинг икки биродарини шахид этдилар. Факиру фукараларни изтироб-ташвишга солишди, кўп харобаликларни юзага келтиришди. Шу сабабдан мулло Абдулкаххор ўз фукараларининг тинчлигини кўзлаб, от жilовини чўлга, Козогистон ерлари томонга бурди. У ерларда яширинди, бу йўл билан у фукаралар устига тушадиган нотинчлик ташвишларини енгиллаштирмоқчи бўлган эди.

Большевиклар туманлар устига аскарларни кўпайтирдилар. Улар тагин ҳукумат - Олимхон аскарлари тарафдорлари кўтарилиб, бирор бир ҳаракат қилиб қолишмасинлар, дейишди.

Бу банда шахзодалик пайтимдан тортиб то Бухоройи шарифда салтанат тутганимга қадар, шу билан бирга вилоятларга тааллуқли гапларни ёздим. Большевикларга қарши, бинобарин, инкилоб замонида ҳам қурашдим. Бундан сўнг кўчишни ихтиёр қилиб, Дорус-салтана Қобулга ўтдим. Бухоро ахолиси ва унга тааллуқли вилоятлар менинг тарафдорим бўлиб, большевикларга қарши етти йил давомида қурашдилар; ёдгорлик тарикасида шу воқеаларни кўриб турганлар учун бу борадаги тарихимни таҳрир ипига тиздим, токи улар бошимдан ўтганлардан хабардор бўлсинлар.

Ўқигандан дуо таъмадорман,
Чунки мен бандайи гунохкорман.
(Хар ким хонад дуо тама дорам,
Зи онки ман бандайи гунохкорам).

ИККИНЧИ ФАСЛ

Бухоро амири Олий хазрат Саййид Амир Олимхон юкорида баён қилинган эсдаликлари 1927 йили сентябрида ўзининг мутлақ вакили бўлмиш генерал Хожи Юсуф бий Муқимбий тавассути билан Миллатлар Иттифоқига тақдим қилинган эди.

БУХОРОНИНГ ТАБИЙ ЖУГРОФИЯСИ

Бухоро мамлақати Амударёниинг шарқий сохилларидан, яъни Русия Помиридан то Хеванинг кенг даштларигача чўзилиб боради. Русия билан Бухоро ўртасида бўлган урушдан олдин 1868 йили ва большевиклар ҳукумати тасарруфида (1920) бўлган чоғда Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан чегарадош. Гарб тарафдан Сирдарё

билан ҳамда Хўканд хонлиги билан, жанубдан эса Афғонистон, Шарқдан туркман ўлкаси ҳам Хева дашти билан чегарадош.

Бухоро ахолиси уч ярим миллион нафардан иборат. Унинг майдони 225 000 км² келади, яъни тахминан Италия майдони билан тенг. Унинг аҳолисининг асосий қисми ўзбек, туркман, киргиз, козок, тожик, яҳудий ва араблардан иборат. Бухоронинг гарбий қисми, хусусан, Амударё сохилларидан ташқари жойлари экин экишга ва дехқончилик қилишга қобил эмас. Аксинча дарёга яқин жойлар анча серҳосил ерлардир. Кашқадарё, Сурхондарё, Зарафшон, Қофирнаханг ва Гийшлар теъарагида дехқончилик қилишади. Қадимий маданий ёдгорликлар мавжуд шаҳарлар, чунончи, Қарши, Қитоб (Қифти об), Шаҳрисабз, Гузор, Бухоро, Зиёуддин, Қармана, Чаҳоржўй, Қарқи, Бойсун, Қоратог, Қўлоб, Болжувон, Шеробод, Хисор, Душанба, Қайзобод ва бошқалари хануз машҳур ва маълумдир.

Бухоронинг шарқий қисмини улуг тоғлар ўраб турадики, улар дунёнинг энг баланд тоғларидир Хисор тоғларини ўраб олган қанчадан қанча чўққилари борқи, ундайлар жуда оз бўлиб, уларнинг баландлиги беш минг беш юз метрга етади. Бир-бирига занжир бўлиб уланган ерлари то олти минг бир юз метрга етади. Жумладан, Дарвоз тоғлари то Помир даштигача чўзилади. Бухорода, яъни Марқазий Осиё мамлакатларининг энг қадимгиларидан бири бўлиб, бунда навбатма-навбат шаҳзодалар салтанат қурганлар. Бухоро пойтахти милодий тарихдан неча аср аввал бино бўлган. Унинг халқи турклар тасарруфидан аввал ориёний иркидан эдилар. Хижрийнинг еттинчи ва саккизинчи асрларидан, яъни араблар ҳукмронлиги даврида Бухоро шаҳзодаларида Бухоро хонлари салтанат сурар эди, Бу шаҳар машҳур сомонийлар сулоласининг марқазига айланган эди. Сомонийлар сулоласининг асосчиси Исмоил Сомоний (892-908) вақтида Бухорони Самарқанддан афзал қўрганидан, унинг аҳамияти кундан-кунга орта борди. Унинг аср, яъни сомонийлар салтанати даврида Бухоро улугвор ва буюқликка эришди. Санъат, савдо-сотик ва турли-туман фанлар ривожланди. Сомоний подшоҳларининг сўнггиси вафотидан кейин (1005) Бухоро икки марта турк ва салжуклар сулоласининг қўлига тушди. Ундан сўнг Чингиз ва Темурланг, кейин шайбонийлар ва Аштархонийлар сулоласи, ўзбек мангитлар тоифаси Бухорода ҳукм сурдилар. Мангит тоифаси 1783 йилдан то 1920 йилгача Бухорода салтанат қилдилагр. Ниҳоят большевиклар ҳукуматининг жабр ва сиқуви билан Амир Олимхон Бухородан қўчишга мажбур бўлди.

БУХОРОНИНГ СИЁСИЙ ВА ИДОРИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ

Гарчи Бухоро мамлақати Русия давлати ҳимоясида бўлган бўлса-да, лекин у ўзининг қадимги мустақиллигини сақлаб қолган эди.

Бухоро амирлари ҳукм юритишларида шариат усул ва одатларига риоя қилар эдилар. Бухоронинг ислом уламолари амирни пайгамбар халифаси ўринбосари, усул ва шариат ҳимоячиси деб биларди.

Амирнинг тирикчилиги бутунлай шариатга мос бўларди, уни бузиши мумкин эмас эди.

Бухоро хонлари бутунлай мангитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган.

Бухоро подшоҳларининг мўғил одатларига кўра, тўшакча устига табарруқона ўтқазилиб,

сайидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтарардилар.

Бухоро мамлакати йигирма саккиз бекликка бўлинган эди. Шу қарорга мувофиқ Нурота, Қоракўл, Кабокли, Чахоржўй, Қарки, Бурдолик, Қалиф, Шахрисабз, Яккабоғ, Қитоб, Гузор, Қаротегин, Бойсун, Хисор, Дехнав, Қўргон (тепа), Болжувон, Қўлоб, Кабодиён, Дарвоз, Рувшон бекликлари ва мирликларига бўлиниб, бу вазифалар қадим-қадим айёмлардан буён ирсий, яъни мерос бўлиб қоларди. Бироқ Амир Сайид Олимхон замонига келиб сайлаш усулига ўтилди.

Бухоронинг сиёсий ва идорий ишлари эса Қушбеги деб аталган бир киши раислиги қўл остида идора қилинарди.

Мамлакатнинг молиявий ишлари девонбеги қўл ости ва назорати остида амалга оширилар эди.

Диний масалалар, қозилик ишлари, умумий таълимот масалалари билан шугулланиш қозиюл-қуззот — қозилар қозисининг бурчига қирарди.

Аскарый ишлар эса тўпчибоши раҳбарлигида ўтар эди. Унинг вазифа даражалари ушбулар қароридан келиб чиқади: Қушбеги, девонбеги, парвоначи, иноқ, додхобий, тўқсоба. Учинчи Искандар (Искандар солис) нишони энг муҳим нишонлардан бири эди.

Бухоро амири у билан мансабдор қишиларни ва ҳарбий офицерларни муқофотларди.

Қуввайи қазоия-мамлакат тақдирини ҳал қилиш масаласи — амирнинг ўз қўлида эди. Бу Қуръон ҳукмлари ва ислом шариати қонунлари асосида юритилади.

1868 йилда Бухоро билан Русия ўртасидаги тузилган қарорга биноан Русия фуқаролари Бухоро амирлигига солиқ тўлашдан озод эди, лекин улар Бухоро бозорларида ўзларининг тижорий молларини сотганларида сотилганнинг юздан икки ярим фоизини Бухоро ҳукуматига беришлари шарт эди.

Бухоронинг табиий бойликлари: тилло, қумуш, қўргошин, мис, темирлар Бухорода қўп миқдорда топилади. Хусусан Шарқий қисмларда маъданлар борқи, улар то шу маҳалгача ишлаб чиқилмаган. Табиий бойликлар ичида нефт, қўмир, гугурт, нашатирлар бор.

Савдо-сотик ишида тери, юнг, шойи гиламлар — мамлакатнинг ташқарига чиқарадиган асосий молларини ташкил этади.

Бухоро мевалари дунёга машҳурдир. Бухоро отлари, хусусан, қорабайир нави 1914 йилги урушда аҳамият қозониб, яхшилигини исботлади.

Бухоро амири қанчадан-қанча минг бош отни Русия давлатига берди. Ҳар хил фаслларда тоғу қаманзорлар ранг-баранг бўлганидан қўй, эчки, от ва туя сурувлари ўз ўтлоқларида мириқиб ўтлаб юришади.

Бухоронинг асосий савдоси Русия, Эрон, Афғонистон мамлакатлари билан бўлади.

Большевиклар инқилобилан олдин Бухоро савдоси фақат Русиянинг ўзи билан икки юз эллик миллион франкка етар эди. Лекин бахтга қарши юқларни элтиш воситаларининг бўлмаслигидан савдо ишининг ривожланишига катта тўсқинлик пайдо бўлди.

Ваҳоланки, қанчадан-қанча темир йўл воситалари мамлакатнинг бошидан оёғигача қўзилган эди.

Большевикларнинг Бухорога ҳамласи: 1917 йил февраль инқилобидан сўнг большевиклар ўзларининг ёмон ниятда бўлган илк қадамларини тарғибот ва ташвиқот йўллари билан бошлаб юбордилар. Ичкаридаги мажаропараст унсурлар билан қангома талаб унсурлар бир-бирлари билан тил бириктириб большевиклар билан ҳамқорлик қилишди. Улар ҳукумат учун қўп қийпнчиликлар тугдирди.

1918 йилнинг ўнинчи мартада большевиклар Бухорога ҳамла қилиб, Зиёуддинни эгаллаб олдилар. Шунданки, Бухоро аҳолиси хақиқатни букиб юборадиган тарзда бўлаётган большевикларнинг бу оёқ олишларини мушоҳада қилишарди.

Афғонистон чегарасида бўлган барча рус аскарларини ўлдирдилар, оз-оздан, бўлсаям инкилоб олови бошдан-оёқ мамлакат бўйлаб алангалана бошлади, натижада большевикларнинг кўмондони Колесов мажбур бўлиб, 1918 йил йигирма бешинчи мартда амир билан сулх тузишга қарор қилди.

Лекин бахтга қарши большевиклар ўзларининг пасткашлик ишларидан кўл тортмадилар, 1920 йил бешинчи сентябрда Вухоройи шариф большевик аскарлари кўлига тушди.

Ота-боболари 1783 йилдан бошлаб салтанат сурган Амир Саййид Олимхон Бухорода ҳукм суратуриб бир оз киши билан Афғонистонга қочиб кетди; кизил аскарлар бўлса одамларни беҳонумон қилди. Зулм кўлини узун қилиб, мамлакатни бошдан-оёқ гора қилиб таладилар, бунинг натижасида, ниҳоят, эллик минг нафарга яқин одамлар беҳонумон бўлдилар. Шундайки, 1921 йили большевиклар етказган зулм ва бедодликлар авжига миниб, аҳолининг барчаси бира тўласига кўтарилди, мамлакатда қаттиқ бир инкилоб юзага келди.

Иброҳимбек кўп шерюрак аскарлар тўплади, кизил аскарлар билан қонли жанглар қилди ва ниҳоят, охир-оқибатда большевиклар билан етти йил курашгандан сўнг Бухорода бир қур муваққат ҳукумат ташкил ҳам қила олди.

Бугунга келиб, большевиклар шундай саъй-ҳаракат қилиптиларки, халқнинг миллий ифтихорларини одатлардан, ҳатто ахлоқ, одоб, дин ва мазҳабдан, оила ва жамиятдан чиқариб ташлашга, уларни йўққа чиқаришга уриняптилар. Аҳолининг юқори табақасидан тортиб то қуйисигача бўлган ҳамма тоифаси Амир Саййид Олимхонни севардилар, унинг юртга қайтишини орзу қилардилар. Кизил ҳукумат аввал бўлган барча ташкилот-тузумларга барҳам берди. Мамлакатни бир қанча совет жумҳуриятларига, чунончи, Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақолпоғистон қабиларга бўлиб юбордилар. Вухоройи шариф шаҳри, яъни Марказий Осиёнинг Маккаси бўлган шаҳарни Совет Ўзбекистоннинг бир вилояти этиб қўйишди. Амир хонадони эса 1922 йилда ўз юртидан узоклаштирилди, унинг уч нафар ўғиллари Москвага юборилди.

Бирлашган Миллатлар таъсисидан асли мақсад заиф миллат ва зулм қўрганлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш экан, Бухоро Амири қувонч билан орзу қиладики, юқорида зикр этилган анжуман бу афсуснок вазиятга ўз лутф-таважжухини қаратиб, мамлакатни ва бу ерда яшаётган фуқароларнинг хотиржамлигини таъминлаб, Осиёнинг бу минтақасида тинчликни барқарор қилади, деб ишонади.

УЧИНЧИ ФАСЛ

БУХОРО АМИРЛАРИНИНГ ТИРИКЧИЛИК ТАРИХИ

Сайид Амир Музаффархон ўгли Сайид Амир Абдулахадхон 1859 йили Бухорода тугилди. У киши йигитликнинг дастлабки кезларида мамлакатда ислохот ўтказишга ўта майл пайдо қилган эди. 1883 йили учинчи Александрнинг тахтга ўтириши тантанасида иштирок этиш учун Москвага боради.

Янгиликларга кадам қўйиш, темир йўл, телеграф ва бошқа нарсаларни куриш хусусида тажриба орттириш каби ишлар у кишини хос кишилар ва омма ўртасида шухратини яна ҳам ошириб юборган эди. Шундай қилиб, Россия билан дўстлик ипларини мустахкамлаш учун ҳукуматдан бир нарсани — Бухорода Русиянинг бир сиёсий шўъбоси таъсис этилишини истаб қолишди. Нихоят йигирма олти йил пурифтихор салтанат суриб, 1911 йилнинг феврал ойида эллик уч ёшида Амир Сайид Музаффархон бу фоний дунё билан видолашди.

Амир Сайид Олимхон: хижрий йилининг 1298-си мухаррам ойи ўн бешиди, милодий йил айланишига кўра, 1881 йилда Карминада тугилди. Сўнгра бошлангич таҳсилни тамом қилгач, ўн уч ёшлигида харбий фанлардан таълим олиш мақсадида падари бузруквори буйруғи билан Москвага боради. Ўн етти ёшга тўлган чоғидан то отаси вафот этиб, салтанат тахтига ўтирганга қадар Карши вилоятида ҳукм юритди.

Амир Сайид Олимхон салтанатга ўтирган чоғидан тўққиз йил фукаропарвар, адолатпарвар ҳукм юритиб, большевикларнинг қонли ҳамла ва хужумидан сўнг, ахийри 1921 йил апрель ойида Афғонистонга кўчишга мажбур бўлди.

Генерал Хожи Юсуф Муқимбой эсдаликлари: сўзни тугатишдан олдин шуларни айтишни лозим кўрамани, олийхазрат Бухоро амирининг Женевада бўлган шикоятдан сўнг унинг номини ҳурмат-эҳтиром ва самимият билан эсладилар. Франция, Италия, Германия, Англия ва Эрон вакиллари бу фавқулодда кишига нисбатан ҳурмат-эҳтиромда бўлдилар. Бу сафарим натижаларини Амир олийхазратлари ҳузурига келиб изҳор қилдим.

Олийхазрат Амир ўз навбатида Миллатлар Иттифоқи хайъатида инсон кадри ва ҳуқуқининг кадрига етишидан иккинчи марта мени Оврупога равона бўлишга буюрдилар. У киши баъзи буюк давлатлар бошликлари номига мен орқали мактуб йўлладилар. Шу билан мен ўз вазифамни меъёрига етказиб бажариш бахтига муяссар бўлдим.

Шундай қилиб мен олам мусулмонларига қуйидагиларни маълум қилмоқчиман: улар бахти кетган бу халқ ва унинг подшоҳининг бу борадаги кечмишларидан огоҳ бўлсалар.

Бу эсдаликларни ўқиган ўқувчилардан яна шу нарсаларни орзу этаман: Шояд улар бизнинг бу муқаддас бурчимизни бажо келтиришимизга бизга кўмак беришса ва Россия большевикларнинг бизга нисбатан қилаётган барча тухмат ва бўхтонларини ҳақиқатдан холи эканлигини билиб олишса.

ТАРЖИМОНДАН

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, дўстимиз ва ишдошимиз Шохниёз Мусо ўғиллари бир печа йил Афғонистон диёрида бўлиб ватанга қайтганлар. У киши муносабат топиб

оиласи ва дўстлари билан бирга 1973 йил июль ойида Амир Олимхоннинг қабрларини зиёрат қилганлар. Хикоя қилишларича, амирнинг макбараси Қобул шаҳри тевагагидаги «Шахидони ислом» («Ислом шахидлари») қабристонида бўлиб, қабр тошига ушбу сўзлар битилган экан:

«Бу қабр сохиби алам-ситамга тўла амир бўлмиш ва салтанат сурмиш зоти олийнинг бир қафт тупроғидан хотира бўлиб, бу киши Бухоройи шарифдаги мангитлар сулоласининг еттинчи ва охири саодатпанох подшоҳларидан эдилар. Яъни бу жаноб Аллохнинг мағфиратиға сазовор бўлган Амир Саййид Олимхон ибн мархум Амир Саййид Абдулаҳадхон ибн Амир Музаффархон ибн Амир Саййид Насруллахон ибн Амир Хайдархон ибн Амир Шохмурод - бу киши маъсум Гозий лақаби билан ҳам машхур — ибн Амир Дониёлхондурлар. Бул мархумнинг Бухоройи шарифда амирлик салтанатининг ўнинчи йилида рус қофирлари томонидан Бухоройи шариф босқинчилик билан истило қилинган, фисабиллох мухожир сифатида қўшни юрт бўлган Афғонистонда панох топган эдилар. Орадан йигирма уч йил ўтган, 64 йил умр кўриб, бу ислом мамлақати ерида 1323 шамсий йили саврнинг бешинчи шанбаси куни ва хижрий қамарийга мувофиқ 1363 йили жумодил аввал ойининг бешинчисида (1944 йил 28 апрель куни) бу фоний дунёдан кўз юмдилар.

Йигирма уч йилдан бери ул зоти олий мана шу тупроқда ётибдурлар».

Хаёти ва фаолияти йиллари

1881 — Бухорода мангит ўзбеклари сулоласидан бўлмиш Амир Олимхон Карминада тугилди.

1893 — 1896 йиллар Амир Олимхон Петербургда ўқийди.

1896 — Амир Олимхон Петербургдан Бухорога қайтади.

1898 — Амир Олимхон Насаф вилоятига ҳукмрон этиб тайинланади.

1910 — Амир Олимхон Кармина волийси.

1911 — Амир Олимхон Бухоро мамлақати тахтига ўтиради.

1921 — йили Амир Олимхон Афғонистонга кўчади.

1944 — йили Амир Олимхон Қобилда вафот этади.